
Ўзбекистон туманида "Оталиқقا олинган ёшлар ва прокурор учрашуви" ўтказилди

Ўзбекистон туманидаги 23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида туман прокурори Обиджон Собиров иштирокида оталиқقا олинган ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда мактаб ўқувчилари ва пробациядаги ёшлар иштирок этишди. Учрашув доирасида "Мен прокурор бўлсам" мавзусида расмлар ва иншолар танлови ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Шу кунги тадбир давомида сайёр суд ҳам ўтказилиб, жиноятчилик йўлига кириб қолган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган 2 нафар ёшлар муддатидан олдин жазодан озод қилинди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшларни қийнаётган муаммолари тингланиб, уларга ечимлар берилди.

2024-12-20 11:47:08